



# ТОШКЕНТ УЧУН ШАҲАР МОБИЛЛИГИНИ ЯХШИЛАШ РЕЖАСИ, ЎЗБЕКИСТОН

Жамоат транспортига йўналтирилган шаҳар  
мобиллигини барқарор ривожлантириш  
бўйича сиёsat йўналишлари



Supported by:



# Бизнинг жамоамиз



**Ярослав Холодов**

Сиёсат бўйича таҳлилчи,  
ХТФ

Ўзбекистондаги лойиҳа  
раҳбари



**Гуиненг Чен**

Жамоа раҳбари,  
ХТФ

Транспорт дастури  
раҳбари



**Маллори ТРУВЕ**

Сиёсат бўйича таҳлилчи,  
ХТФ

Шаҳар мобиллиги бўйича  
маслаҳатчи



# Режанинг тузилиши

- **Тошкентнинг маҳаллий контексти**
- **Шаҳар мобиллигини барқарор ривожлантириш учун сиёсат йўналишлари**
  1. Институционал базани такомиллаштириш
  2. Транспортни режалаштиришга ердан фойдаланишни киритиш
  3. Молиялаштириш механизмларини яратиш
  4. Тармоқ ва жамоат транспорти (ЖТ) хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш
  5. Норасмий жамоат транспорти хизматларини ўзгартириш
  6. Микромобиллик, шеринг ва рақамлаштиришнинг ролини ошириш
  7. Қўшимча кўрсатма чораларини кўриш
- **Асосий сиёсат чоралари**
- **Таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга ошириш жадвали**



# Атамалар ва қисқартмалар

- **Шаҳар мобиллиги** - шаҳар шароитида ҳаракатланишнинг барча жиҳатлари, шу жумладан транспорт инфратузилмаси, саёҳат хусусиятлари, йўловчилар оқими, жўнаш ва борадиган жойларнинг хусусиятлари ва бошқалар.
- **ДХШ** - давлат-хусусий шериклик
- **ИТТ**-интеллектуал (ақлли) транспорт тизимлари
- **ТТД** -тижорат транспорт дастури (иловаси)
- **ЕТИ** - енгил темир йўл
- **Микромобиллик** - одатда 25 км/с дан паст тезлиқда ишлайдиган бир қатор кичик, енгил транспорт воситалари (масалан, велосипедлар, электр велосипедлар, электр скутерлар, уч ва тўрт гидриакли транспорт воситалари ва бошқалар).
- **ТВ** - Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги
- **Норасмий жамоат транспорти** - техник ва молиявий талабларга жавоб бермайдиган, тартибга солинмаган ёки ноқонуний операторлар томонидан аҳолига кўрсатиладиган режадан ташқари хизматлар.
- **ЖТ** - жамоат транспорти
- **БШМ режаси** - Барқарор шаҳар мобиллиги режаси
- **TAT**-тезюорар автобус транспорти (BRT)
- **Пойтахт вилояти** - аҳоли зич жойлашган шаҳар ядроси ва ядро билан юқори даражадаги иқтисодий ва ижтимоий интеграцияга эга бўлган тулаш аҳоли пунктларидан иборат минтақа.
- **ТИР** -транзитга йўналтирилган ривожланиш
- **Талабга биноан транспорт** -бу транспорт воситалари ҳар бир сафар учун ўз йўналишларини маълум бир талабга қараб, белгиланган маршрутдан ёки режалаштирилган сафарлардан фойдаланмасдан ўзгартирадиган хизмат.
- **ТШХТБ** – Тошкент шаҳар ва ёндош ҳудудлар транспорт бошқармаси
- **Шеринг** – фойдаланувчилар томонидан бир вақтнинг ўзида ёки кетма – кет фойдаланиладиган транспорт хизматлари (масалан, велосипеддан биргаликда фойдаланиш – байкшеринг, автомобилдан биргаликда фойдаланиш – каршеринг ва бошқалар).
- **ЭТ** – электр транспорти
- **LVC**-Land Value Capture (ер қийматини ошириш орқали даромад олиш
- **P+R** – Park & Ride (ЖТ га ўтиш учун тўхтаб туриш жойлари)

# УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР ТОШКЕНТНИНГ МАҲАЛЛИЙ КОНТЕКСТИ


- ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ПРОФИЛ
- ШАҲАР МОБИЛЛИГИ
- АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР



# Ижтимоий-иқтисодий профил

- Аҳолиси:** 2 694 000 киши
- Аҳоли зичлиги:** 8000 киши/км<sup>2</sup>
- Таққосланиши мумкин бўлган шаҳарлар:** Милан, Сантьяго, Сингапур
- Ялпи ҳудудий маҳсулот:** 2012 йилдан буён йилига ўртача 22% ўсиш, натижада 2021 йилда аҳоли жон бошига 4000 АҚШ доллари миқдорида йиллик кўрсаткич


## Ёши бўйича таркиби



## Жинси бўйича таркиби



## Тошкент шаҳри ва унинг аҳолиси туманлар кесимида




Манба: OpenStreetMap-га асосланган ХТФ таҳлили

# Шаҳар мобиллиги

- Шахсий автомобиллар:** рўйхатдан ўтган автомобиллар 640,000 та, автомобилга эгалик қилиш даражаси 1000 кишига 240 та
- Йўл тармоғининг узунлиги:** 5893 км (1371 км асосий, 1481 км иккинчи даражали ва 3041 км маҳаллий йўллар).
- Мавжуд жамоат транспорти турлари (ЖТ):** метро, автобус ,микроавтобус, такси
- Транспорт хизматларини етказиб берувчилар:** 1 та метро оператори, 13 та автобус оператори, 55 та хусусий микроавтобусда ташиб компанияси, 400 та такси компанияси
- Жамоат транспорти (ЖТ)да қатновлар сони:** кунига 1,3 миллионта сафар, шундан 0,5 миллионтасига метро хизмат кўрсатади
- Жамоат транспорти (ЖТ)нинг модал улуши:** 2021 йил ҳолатига кўра 21% (таққослаш учун Европа ва Осиёning йирик шаҳарларида бу кўрсаткич 30-60% )

Дунёда автомобилларга эгалик қилиш ва ЖТда қатнаш



Манба: [CityTransitData](#) (UITP)

# Аниқланган муаммолар

---

- **Шаҳар мобиллигини самарасиз** бошқариш ва молиялаштириш
- Йўл ҳақи тизимининг **эскирганлиги** ва интеграциялашган чипталар тизимининг **йўқлиги**
- Ердан фойдаланиш ва транспортни ривожлантиришнинг ўзаро **боғлиқ эмаслиги**
- ЖТ тармоғини ривожлантириш **мақбул эмаслиги**
- Автотранспорт паркининг **етарли эмаслиги** ва **эскирганлиги**
- **Узоқ** кутиш вақти, хизмат кўрсатишнинг **номунтазамлиги**
- ЖТ билан рақобатлашадиган ноқонуний таксилярнинг **салмоқли** улуши
- **Амалга оширилмаган** шеринг ва микромобиллик салоҳияти
- Кўчаларда **тартибсиз** тўхтаб туриш жойлари
- Технология ва инновацияларнинг **эрта босқичи**
- Шаҳар мобиллиги учун транспорт сиёсатида углерод чиқиндиларини камайтириш долзарблигининг **юзакилиги**

# **1-СИЁСАТ ЙҰНАЛИШИ**

## **ШАХАР МОБИЛЛИГИНИ**

## **БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ**

## **УЧУН ИНСТИТУЦИОНАЛ БАЗАНИ**

## **ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

- УМУМТИЗИМ БОШҚАРУВИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ  
ЭТИШ
- ХАРИДЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ВА  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ



# Умумтизим бошқарувини қайта ташкил этиш

## Жорий вазият

**Бошқарув жараёни шаффоффлик, интеграция, жавобгарликни тақсимлаш ва институционал ваколатларнинг чекланган даражасига эга.**

- Транспорт вазирлиги (ТВ) транспорт билан боғлиқ барча функцияларни миллий ва вилоят даражасида бирлаштиради
- Транспорт вазирлигидаги (ТВ) турли бўлинмалар ва ташкилотлар ўртасида жавобгарлик соҳаларининг такрорланиши
- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида шаҳар мобиллигини режалаштириш бир-биридан мустақил равишда ташкил этилган
- Транспортни ривожлантиришда шаҳар ва вилоят ҳокимиятларининг кам иштироки
- Давлат мулкидаги асосий автобус оператори имтиёзларга эга ва бошқарувда фаол иштирок этади
- Институционал ресурслар ва тажрибанинг чекланганлиги

Транспорт вазирлиги (ТВ) (транспортни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича асосий органи)	
Функционал бирликлар	Транспортни стратегик ривожлантириш департаменти
Минтакавий -бўлинмалар	Автомобил ва Дарё транспорти Департаменти
Бўйсунувчи ташкилотлар	Автомобил йўллари қўмитаси Тошкент шаҳар ва ёндош худудлар транспорт бошқармаси Тошкент вилояти транспорт бошқармаси Транспорт ва логистика муаммоларини ўрганиш маркази "Ўзватотранстехника" илмий-ишлаб чиқариш маркази "Тошкент метрополитени" ДУК
Тошкент вилояти ҳокимлиги (вилоят бошқарув органи)	
Тошкент шаҳар ҳокимлиги (шаҳар бошқарув органи)	
"Тошшахартрансхизмат" АЖ (асосий автобус оператори)	



# Умумтизим бошқарувини қайта ташкил этиш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ ЖТ хизматларини режалаштиришни ва тақдим этишни марказсизлаштириш

Минтақавий даражадаги ЖТ хизматларини режалаштириш ва тақдим этишни марказсизлаштириш, ЖТ хизматларининг маҳаллий эҳтиёжларни етарли даражада ҳисобга олишини таъминлаш. Бу бошқарувнинг самарадорлиги, мослашувчанлиги ва тезкорлигини оширади.

### ✓ Тошкент шаҳарт ранспорт бошқармасини (ТШҲТБ) ташкил этиш

ЖТ бошқаруви транспортнинг изчил ва ўзаро келишилган ривожланишини таъминлаши учун ҳам Тошкент шаҳрини, ҳам Тошкент шаҳри атрофидаги ҳудуни қамраб олиши керак. Энг яхши ечим - бу миллий, вилоят ва ҳудудий аъзолардан иборат бошқарув кенгашига эга бўлган Тошкент шаҳар ва ёндош ҳудудлар транспорт бошқармасини (ТШҲТБ) ташкил этиш. ТШҲТБ транспортнинг барча турларини қамраб олиши ва маҳаллий инфратузилма лойиҳалари, ЖТни режалаштириш ва ундан фойдаланиш, бюджетни тақсимлаш, сиёsat ишлаб чиқиш, харидлар ва бошқалар билан шуғулланиши керак.

### ✓ ТВ эътиборини миллий сиёsat ва стратегик лойиҳаларга қаратиш

ТВ биринчи навбатда миллий сиёsat, қонунчилик ва йирик инфратузилма лойиҳалари билан ишлаши, умумий қарашларни белгилаши ва стратегик мақсадларни ўрнатиши керак. Ушбу элементларнинг барчаси маҳаллий ҳокимият органлари билан муҳокама қилиниши ва кучга киргунга қадар минтақавий ва шаҳар даражасида келишилиши керак.

Кўшимча материаллар: [Кореяning пойтахт минтақаси учун ТШҲТБни ташкил этиши бўйича сиёсий йўналишлар](#), (ХТФ)  
[Буюк Барселонада жамоат транспортини бошқариш](#) (ХТФ)



# Умумтизим бошқарувини қайта ташкил этиш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Аниқ институционал тузилмани яратиш, маъмурий жараёнларни оптималлаштириш

Ҳар бир ташкилотда аниқ тузилмани яратиш орқали институционал тизимни такомиллаштиришни қўллаб-қувватлаш. Ушбу чора маъмурий жараёнларни, ахборот оқимларини ва ресурсларни тақсимлашни оптималлаштирадиган, иш оқимларини синхронлаштирадиган ва рақамлаштириш даражасини оширадиган тизимли ёндашувни қўллашни назарда тутади.

### ✓ ЖТ операторлари ўртасида адолатли рақобатни таъминлаш

Умумий қабул қилинган амалиётга кўра, ЖТ хизматлари фақат хусусий сектор томонидан тақдим этилади. Бироқ, баъзи ҳолларда, давлат мулки бўлган операторлар хусусий сектор компаниялари билан бир қаторда мавжуд бўлиши мумкин. Ҳар қандай оператор мақбул самарадорлик даражасида ишлай оладиган ва мулк шаклидан қатъи назар, бир хил қоидалар ва шартларга бўйсунадиган бўлса, бозорга киришга имкон берадиган қулай шароитларни яратиш керак.

### ✓ Тегишли манфаатдор томонлар учун Компетенцияни ривожлантиришни ташкил этиш

Компетенцияни ривожлантириш транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш, режалаштириш, бошқариш ва эксплуатация соҳасидаги кенг кўламли кўнишка ва билимларга тегишли бўлиши мумкин. Бу ҳукумат амалдорлари, ТШХТБ, ташувчи операторлар, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва шаҳар мобиллиги билан шуғулланадиган бошқа манфаатдор томонлар учун тавсия этилади. Буни иш жойида ўқитиш, семинарлар ва дастурлар, тажриба алмашиш учун сафарлар ва амалиёт орқали амалга ошириш мумкин.

# Умумтизим бошқарувини қайта ташкил этиш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Барқарор шаҳар мобиллиги режаси (БШМ режаси)ни қабул қилиш

ТШХТБ БШМ режаси - мақсад ва устуворликларни белгилайдиган, пойтахт минтақаси нуқтаи назаридан транспортнинг барча турларини ҳар томонлама қамраб оладиган ҳужжат устида ишлашни ташкил қилиши керак. Режа транспорт сиёсати ва инвестицияларни бошқариш ва мувофиқлаштириш учун йўл харитаси бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, у хусусий сектор ва кенг жамоатчилик учун келажақдаги транспорт схемалари тўғрисида маълумот беради. Мониторинг ва баҳолаш элементи ютуқларни таҳлил қилиш ва Режани мунтазам янгилаб туриш имконини беради.

Кўшимча материаллар: [Эстонияда йўловчилар мобиллиги ва юқ ташиши келажаги](#) (ХТФ)



Манба: ["Барқарор шаҳар транспорти" лойиҳаси](#)

# Харидларни бирлаштириш ва модернизация қилиш

## Жорий вазият

### Ишини яхшилаш учун ЖТни минимал имтиёзлар билан таъминлаш.

- Харидлар жараёни Тошкент шаҳар (Тошкент вилояти) транспорт бошқармаси томонидан бошқарилади.
- Ҳозирда автобус хизматлари 68 оператор томонидан тақдим этилади, улар парклари турли ўлчам ва техник хусусиятларига эга
- Одатда соф тан нарх шартномалари қўлланилади, натижада операторлар хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашга манфаатдор бўлмайди.

### Мавжуд режа

- Диспетчерлик маркази орқали бир нечта кўрсаткичлар (ишлайдиган транспорт воситалари сони, кутиш вақти, жадвалга риоя қилиш)нинг бажарилишини мониторинг қилиш

### Тендер ўтказишишнинг жорий тизими

Ҳуқуқий база ягона савдоларни таъминлайди. Тендерлар кичикроқ шартномаларга бўлинади (5-10 та транспорт воситаси).

Маршрут паспорти маршрутнинг узунлиги, схемаси, тўхташ жойлари сони, жадвали, транспорт воситалари сони, тарифини ўз ичига олади.

Тендер сифат ва миқдорий мезонлар асосида электрон шаклда ўтказилади. Қарор текширилгандан кейин 10 кун ичида қабул қилинади.

Шартнома 5 йилгача муддатга тузилади. Кўрсаткичларга қўйиладиган талабларнинг бажарилишини текшириш Шаҳар транспорт бошқармаси томонидан амалга оширилади.

# Харидларни бирлаштириш ва модернизация қилиш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Тошкент шаҳри ва пойтахт минтақаси учун харидларни ташкил этиш

Яратилган ТШХТБ ушбу функцияни ўз зиммасига олиши ва шаҳар ядроси ва атроф-муҳит учун қўшма харидларни ташкил қилиши керак.

### ✓ Мавжуд тендер тизимини қайта кўриб чиқиш

Шартноманинг минимал ҳажми битта тўлиқ маршрут бўлиши керак деб тахмин қилинади. Бироқ, катта-кичиклиги ва имкониятлари турлича бўлган бир нечта операторларни жалб қилиш ва ўхшаш/бир хил талаблар ўрнатилган маршрут пакетларини тарқатиш афзал кўриладиган вариандир. Сектор ТШХТБ назорати остида мувозанати (баланси)га эришиши керак. Рақобатга ва операторни ўзгартириш имкониятига эга очиқ бозорни яратиш учун шартноманинг давомийлиги беш йилдан ошмаслиги керак.

### ✓ Сифатни рағбатлантирадиган шартномаларни жорий этиш

Шартноманинг янги тури рағбат/жарималар тизимига асосланган бўлиши ва шартноманинг асосий ишлаш кўрсаткичлари (АСК) бажарилишини кузатиши керак. АСК транспорт тармоғининг самарадорлигини, қатновга бўлган талабни ва мижозлар эҳтиёжини қондирилиши даражасини ўз ичига олиши мумкин. Маълумотларни йиғиш сўровлар, техник ҳисоботлар, ГПС ва автоматлаштирилган йўл ҳақи тизими орқали амалга оширилиши мумкин ([ГИЗ қўлланмаси](#)).

### ✓ Тендердан олдинги текшириш тартиб-қоидаларини жорий этиш

Тендерга иштирок этишга рухсат беришдан олдин ТШХТБ операторни текшириши ва тасдиқланган пудратчиларни маълумотлар базасига киритиши керак. Текшириш компаниянинг молиявий барқарорлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик ва транспорт соҳасидаги олдинги тажрибани олдиндан баҳолашни ўз ичига олади. Ижобий баҳо оператор кейинги кўриб чиқиш учун асосий шартларга жавоб беришини анлатади ([Лондон мисоли](#)).

Қўшимча материаллар: [жамоат транспорти хизматларини режалаштириш ва етказиб беришини ислоҳ қилиш](#) (ХТФ),

[Жамоат транспорти имтиёзларининг энг яхши амалиёти](#) (ХТФ)

## 2-СИЁСАТ ЙЎНАЛИШИ

ШАҲАР МОБИЛЛИГИНИНГ ИЗЧИЛ  
ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН  
САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ  
УЧУН ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА  
ТРАНСПОРТНИ КОМПЛЕКС  
РЕЖАЛАШТИРИШНИ ҚЎЛЛАШ

- ТРАНСПОРТНИ РЕЖАЛАШТИРИШГА ЕРДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИ КИРИТИШ




# Транспортни режалаштиришга ердан фойдаланишни киритиш

## Жорий вазият

**Ердан фойдаланиш элементлари ЖТни режалаштиришга киритилмаган, бу эса барқарор шаҳар ривожланишида мобилликнинг аҳамиятини чеклайди.**

- Тошкент шаҳар ядроси ва унинг агломерацияси бир-бирига жуда боғлиқдир
- Шаҳар ва агломерация ўртасида кунига 1 000 000 та қатнов
- Шаҳар ядроидаги туманларнинг турли функциялари
- Тошкент полицеентрик бўлиш учун катта имкониятларга эга
- Тошкент учун бош режа мавжуд эмас

Тошкент агломерацияси маҳаллий марказлари билан



Манба: OpenStreetMap-га асосланган ХТФ таҳлили

# Транспортни режалаштиришга ердан фойдаланишни киритиш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Шаҳарнинг бош режасини ишлаб чиқиш


Шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилиши керак, у барча инфратузилма лойиҳалари учун етакчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади ва БШМнинг янада мақсадли ва батафсил режаси учун асос яратади. БШМ ҳар доим Бош режанинг асосий қоидаларини акс эттириши керак.

### ✓ Тошкент пойтахт минтақаси даражасида ишларни ташкил этиш

Шаҳар ва унинг атроф-муҳит ўртасидаги юқори ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент пойтахт минтақасига шаҳар ердан фойдаланишни режалаштиришнинг ва транспорт тизимининг ажralмас қисми сифатида қаралиши керак. Минтақанинг чегаралари аниқ белгиланиши керак ([OECD раҳбарияти](#)).


### ✓ Аниқ полицентрик тузилмани яратишига инвестиция киритиш

Тошкентда аллақачон бир нечта фаолият марказлари мавжуд бўлганлиги сабабли, у асосий ядро билан яхши боғланган кўп функцияли суб-марказларга эга бўлган полицентрик шаҳар сифатида шаклланиши мумкин ([Мелбурн мисоли](#)).



### Классик моноцентрик модел

Аҳоли зичлиги юқори бўлган ва иш жойлари ва қулайликларнинг юқори концентрациясига эга марказ. Одамларнинг атрофдан марказга радиал ҳаракатлари.



### Мураккаб полицентрик модел

Бир нечта суб-марказларга эга бўлган устун турувчи марказ. Иш жойлари ва инфратузилма объектлари бутун худуд бўйлаб тарқалган. Шаҳар худудида бир вақтнинг ўзида радиал, ҳалқа ва маҳаллий транспорт.

Манба: [Dr Lin et al.](#). (Халқаро шаҳар ва минтақавий режалаштириш жамияти Конгресси)

# Транспортни режалаштиришга ердан фойдаланишни кириши

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Шаҳар ривожланиши учун меъёрий-хуқуқий базани яратиш

Бунга ҳудудларни раёнлаштириш бўйича тавсиялар (масалан, зичлик, аралаш фойдаланиш даражаси, тўхташ жойлари бўйича чекловлар, транспорт инфратузилмасини таъминлаш), баҳолаш воситаси ([Лондон мисоли](#)), шунингдек, давлат ва хусусий тузилмалар шаҳар ривожланишида (шаҳар, транспорт органлари, ишлаб чиқувчилар ва бошқалар) ўртасидаги ҳамкорликнинг институционал механизмлари киради.

### ✓ Транзитга йўналтирилган ривожланиш (ТЙР) амалиётини қабул қилиш

ТЙР амалиёти ердан ва транспортдан фойдаланишни биргаликда режалаштириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади (батафсил маълумот учун [20](#) ва [21](#)-слайдларга қаранг). Бу шаҳарларнинг кенгайишини камайтиришга ва юқори сифатли ЖТ тизимлари атрофида жойлашган ихчам, пиёдаларга, аралаш жамоаларга йўналтирилган ривожлантиришга қаратилган. ТЙР механизмларини маҳаллий шароитга мослаштириш ва уларнинг самарадорлигини исботлаш учун бир нечта пилот лойиҳаларни ташкил қилиш мумкин.

### ✓ Қурилиш зичлигининг салбий оқибатларини юмшатиш сиёсатини амалга ошириш

Нотўғри бошқарувда қурилиш зичлиги тирбандликнинг кўпайиши, ҳавонинг ифлосланиши, дам олиш жойларининг йўқолиши ва уй-жойларнинг етишмаслиги каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Уй-жой таъминоти ва барқарор ЖТ жозибадорлигини кенгайтиришга қаратилган ердан фойдаланишни рағбатлантириш билан бир қаторда салбий оқибатларни юмшатиш сиёсати амалга оширилиши керак.

Қўшимча материаллар: [шахар зоналарида ердан фойдаланишини режалаштириш - TCAD](#) (ХТФ)



# Транспортни режалаштиришга ердан фойдаланишни кириши

## ТҮР амалиёти

### ТҮРни амалга ошириш

Мавжуд ва келажақдаги оммавий транзит линиялари (метро, трамвай, тезюар автобус транспорти (ТАТ), шаҳар атрофидаги темир йўл)га эътибор қаратиш.

Станциялар ораси учун ўртача пиёда юриш масофасидан икки баравар кўп бўлган (таксиминан 1,5 км) мос масофани танлаш.

Офислар, чакана савдо ва хизматларнинг устун улуши билан станцияларга бевосита яқин жойда зичликни ошириш. Зичлик станциялардан узоқлашган сари аста-секин пасайиши керак ва ҳудуд функцияси аста-секин маҳаллий хизматлар билан турар-жой биноларига ўтиши керак.

Инфратузилмадан фойдаланишни яхшилаш учун охирги станциялар бизнес, ўқув ва кўнгилочар марказлар билан боғланиши мумкин.

Баъзи станциялар транспорт орқали хизмат кўрсатадиган мултимодал марказларга айлантирилиши мумкин, бу эса ҳар бир ТҮР жойининг қамров доирасини кенгайтиради ва боғлиқликни яхшилайди.

Энг яхши, қулай жойларда зичликни ошириш

Барқарор транспорт турларига ўтишни рағбатлантирадиган юқори сифатли шаҳар макони



Яхшиланган алоқа ва жамоат макони

Ер қийматини ошириш (LVC) орқали даромад олиш тизимини яратиш имконияти

Манбалар: [Шаҳарсозлик ва йўловчиларнинг хатти-харакати](#) (ХТФ), [транзитга йўналтирилган ривожланиш](#) (БМТ ЭСКАТО), [ТҮР ва барқарор шаҳарсозлик](#) (Нордрегио)

# Транспортни режалаштиришга ердан фойдаланишни киритиш

## Ер қийматини ошириш (LVC) орқали даромад олиш

ТҮР транспорт коридорлари бўйлаб кўчмас мулк ва тижорат объектлари қийматининг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Ҳукумат бундан транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни қисман молиялаштириш учун фойдаланиши мумкин. Бундай жараён LVC деб аталади ва у қуийдагича амалга оширилиши мумкин:

- Солиқни қайтариб молиялаштириш - келажақда мол-мулк солиғини ошириш.
- Ер/мулк солиғи - оммавий транспорт йўналишлари бўйлаб маълум ҳудудларда солиқни жорий этиш.
- Ерни ўзлаштириш - хусусий ишлаб чиқарувчиларга транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни молиялаштиришга розилик эвазига транзит магистрал бўйлаб ерга сармоя киритиш ҳуқуқи берилади.
- Ерни қайта ташкил қилиш - ер эгалари конфигурацияни ўзгартириш учун ўз участкаларини бирлаштиради ва маблағ олиш учун бир қисмини сотувга кўяди.
- Ер ижараси - маълум бир давр давомида тўловлар.
- Кўчмас мулкни ижарага бериш - станциялар ичидаги ва атрофидаги тижорат майдонини хусусий корхоналарга ижарага бериш.
- Роялти - учинчи томон даромадининг бир қисми.

### LVC-ни амалга ошириш

ТҮР ва LVC учун потенциал участкалар рўйхатини тузиш ва уларни салоҳиятига қараб тоифаларга ажратиш (ерларни ўзлаштириш, ҳудуднинг аралаш фойдаланилиши ва жозибадорлигини яхшилаш, транспорт алоқалари ва мултимодалликни яхшилаш).

Норматив-ҳуқуқий базага ўзгариш киритиш эҳтиёжини аниқлаш.

Мавжуд ер эгалари билан ҳудудга киритиш ва ТҮРни амалга ошириш учун рухсат олиш мақсадида музокараларни келишиш ва олиб бориш.

Ташабbusларни илгари суриш, норматив имтиёзлар бериш ва таваккалчиликларни тақсимлаш орқали инвесторларни жалб қилиш.

Ҳар бир участка учун энг яхши ТҮР ва LVC ёндашувини аниқлаш (ривожланиш схемаси + молиялаштириш схемаси).

*Дублин, Сан-Франциско, Мумбай, Гонконг ва бошқаларга мисоллар*, 77-104 бетлар



# З-СИЁСАТ ЙЎНАЛИШИ ШАҲАР МОБИЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯРАТИШ

- МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
- ЖТГА ТАРИФЛАРНИ БЕЛГИЛАШ  
ТУЗИЛМАСИНИ СОЗЛАШ



# Молиялаштириш тартибини такомиллаштириш

## Жорий вазият

**Барқарорлиги паст бўлган аралаш ва юзаки  
молиялаштириш тизими, бу шаҳар мобиллигини  
иқтисодий қўллаб-қувватланишининг чекланганлигига  
олиб келади**

- Молиялаштиришнинг икки манбаи:
  - Операторларга тушадиган йўлкира ҳақидан олинган даромад
  - Маҳаллий бюджетдан субсидия (операцион йўқотишларни қоплаш ва тарифларни пасайтириш учун)
- Операторларнинг чекланган иқтисодий жавобгарлиги, қисман қоғоз чипталарни сотиш туфайли
- Соядаги иқтисодиётнинг улуши (солиқ тўлашдан бўйин товлаш) 60% гача ташкил этади

### Мавжуд режа

- 2023 йилдан бошлаб Pool даромадларини янги тақсимлаш тизими
- Қўшимча даромад манбалари (пуллик тўхташ жойлари, автобус бекатларига ким ошди савдоси)

### Pool 2023 тизими

Даромадлар (шу жумладан чипталарни сотишдан тушган даромад ва қўшимча манбалар) Транспорт бошқармасида тўпланади.

Ажратиладиган комиссия: 3% - электрон тўлов тизимига, 7% - маҳаллий инвестиция бюджетига.

Қолганлари операторлар ўртасида "босиб ўтган масофа", "йўловчилар оқими", "сифат" мезонлари асосида тақсимланади.

Заарлар маҳаллий бюджетдан қопланади.



# Молиялаштириш тартибини такомиллаштириш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Молиялаштиришда ТВнинг асосий ролини белгилаш

ТВ меъёрий-хуқуқий базани қайта кўриб чиқиш ва кенг кўламли инфратузилма лойиҳалари ва мобиллик дастурлари учун йиллик бюджетлар ва қўшимча маблағ ажратиш орқали ТШХТБни қўллаб-қувватлаши керак. Бундан ташқари, ТВ кредит олиш ёки давлат-хусусий шериклик (ДХШ) билан шуғулланиш каби янги молиялаштириш манбаларини жалб қилишга ёрдам бериши мумкин ([Марокаш ва Бразилия мисоли](#), 18-слайд).

### ✓ Маблағ ажратиш устидан назоратни тўлалигича ТШХТБга топшириш

Идеал ҳолда, ТШХТБ ўз бюджетига эга бўлиши керак. Бу унга мобиллик эҳтиёжлари ва маблағларни тақсимлаш ўртасида кўпроқ мувофиқликка эришиш учун тариф сиёсати ва молиявий ресурсларни назорат қилишни сақлаб қолишга имкон беради.

### ✓ Шаҳар ялпи ички маҳсулотининг мақсадли улушини транспорт бюджетига ажратиш

Барқарор ва етарлича молиялаштиришда узоқ келажакни кўра олиш жуда муҳимдир. Амалиётлардан бири транспорт инвестициялари ва операцион эҳтиёжлари учун шаҳар ялпи ички маҳсулотининг маълум бир қисмини ажратишдан иборат. Халқаро амалиётга кўра, ривожланаётган мамлакатлар учун бу улуш камида 1-2% бўлиши керак ([Белград ва Техронга мисол](#), 11-слайд).

# Молиялаштириш тартибини такомиллаштириш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Молиялаштириш оқимлари күламини диверсификация қилиш

ТШХТБ инвестиция ва эксплуатация учун молиялаштириш оқимларини диверсификация қилиши керак ([26-слайдга](#) қаранг). Бунга давлат бюджети, шаҳар субсидиялари, солиқлар (ёқилғи, иш ҳақи фонди), йўл ҳақи даромадлари, шериклик (ДХШ, грантлар, кредитлар), LVC, хусусий транспорт воситалари учун тўловлар, реклама ва чакана савдо киради.

- [Лондон мисолида](#), TfL бюджети пуллик тўхташ жойларидан, тирбандлик зоналарида ҳаракатланишдан ва кам чиқиндили зоналаридан даромад олади.
- [Париж мисолида](#), Ile-de-France Mobilités, мақсадли транспорт солиғи агентлик бюджетининг 60% дан ортигини ташкил қиласди.

### ✓ Бўлажак Pool тизимини тўлиқ жорий этилишини таъминлаш

Pool тизими шаффоффлик ва адолатни ошириш, бошқарувни марказлаштириш, иш самарадорлигини ошириш ва ягона чипта тизими учун асос яратиш салоҳиятига эга. ТШХТБ барча операторларни тизимга интеграция қилиш учун уни изчил амалга оширилишини таъминлаши керак.


### ✓ Ҳуқуқни қўллаш тизимини такомиллаштириш

Соя иқтисодиётини қисқартириш бир қатор чора-тадбирлар: шаффофф ва тартибга солинган харидлар, даромадларни тақсимлаш Pool тизими, чипталарни автоматлаштирилган ҳолда сотиш ва нақд пулсиз тўловларга тўлиқ ўтиш, ҳамда қонунчиликни қатъий қўллаш (самаравали молиявий ҳисобот, анча юқори жарималар)ни амалга ошириш орқали устувор вазифага айланиши керак.



# Молиялаштириш тартибини такомиллаштириш

## Шаҳар мобиллиги учун молиялаштириш оқимлари



Манба: [Шаҳар транспорты учун ким ва қанча пул тұлайди? \(ADF\)](#)

# ЖТга тарифларни белгилаш тузилмасини созлаш


## Жорий вазият

**Фойдаланувчиларнинг мақсадли  
қўллаб-кувватламайдиган ва турли хил ЖТда  
аралаш қатновларни рағбатлантирумайдиган  
эскирган тариф тизими.**

- ТВ стандарт тарифларни тартибга солади, шаҳар транспорт бошқармаси эса тарифларни мавжуд чегаралар доирасида қўллайди
- Битта транспорт турида ҳар бир қатнов учун ягона тариф
- Инфляция, ёқилғи нархи ва бошқаларни ҳисобга олмайдиган 2018 йилдан бери барқарор бўлган тариф.
- ЖТ учун транспорт харажатлари ўртача ойлик даромаднинг 10% ни ташкил қиласди
- Жамоатчилик тарифларнинг ҳар қандай оширилишига қарши

### Мавжуд режа

- Масофа, маршрут ва транспорт турига қараб ягона 40 дақиқалик чиптани киритиш



Манба: [Йўловчи транспорт тариф режалари](#) (ATTO)

# ЖТга тарифларни белгилаш тузилмасини созлаш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Тарифлар даражасини ҳар йили қайта кўриб чиқиш

Тарифлар даражаси ТШХТБ томонидан белгиланиши керак. Уларни мунтазам равишда тўғрилаб бориш жуда муҳим, шунда улар операторларнинг хизматларни тақдим этиш харажатларини акс эттиради ва уларнинг қопланишини чекламайди.

### ✓ Тарифлар даражасини оқилона чегараларда тўғрилаб бориш (ўртacha ойлик даромаднинг < 15%)

Ижтимоий-иқтисодий шароит ва мақсадни янада жозибали ва инклюзив қилиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда, тарифлар даражаси реал, аммо аҳоли учун мақбул даражага мослаштирилиши керак. Тарифларнинг сезиларли даражада ошиши фақат хизмат кўрсатишда дастлабки катта яхшиланишлар ўрин олгандагина амалга оширилиши мумкин ([Тарифларнинг ижтимоий самарадорлиги](#), 35-слайд).

### ✓ Изчил, мослашувчан ва содда тариф тузилмасини қўллаб-қувватлаш

Тарифларни масофа, маршрут ва транспорт турига қараб фарқлаш шаффофф ва фойдаланувчилар учун қулай бўлмаган тузилмани яратади. Бундан ташқари, бошқариш ва риоя этиш кафолатлари нуқтаи назаридан мураккаб бўлиши мумкин. Тоифаланган масофа шкаласи фақат тармоқдаги операцион харажатлар диапазони жуда кенг бўлган тақдирдагина киритилиши мумкин. Эътибор талаб қиласиган яна бир жиҳат - бу адолатдир, чунки аҳолининг заиф қатламлари узоқроқ яшаши ва узоқроқ йўл юриши мумкин.



# ЖТга тарифларни белгилаш тузилмасини созлаш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Ягона чипта билан зона тизимини жорий этиш

Операцион харажатларни баҳолагандан сўнг, 45-90 дақиқа давомида амал қиласиган ягона чипта билан тарифларнинг минтақавий тузилмасини (таксимин учта зона, шаҳар маркази 1-зона сифатида) жорий этиш имконини кўриб чиқиш. Тизим ривожланиб, унинг ташкиллаштирилганлик даражаси ошгани сайин, қатнов давомийлигини фарқлаш ва транспортнинг ҳар хил турларига ўтиш варианлари каби янада мураккаб тариф тузилмалари жорий этилиши мумкин.

### ✓ "Биргаликдаги имтиёзлар"ни бериш

Имтиёзли тариф тоифаларидан фойдаланган ҳолда янада мақсадли ёндашувни кўриб чиқиш керак. Масалан, талаба ва қарияларнинг сотиб олиш қобилияти пастроқ бўлади, аммо бу ҳаммага ҳам тегишли бўлмаслиги мумкин. Самаралиоқ усул - бу оиланинг даромади ва ёшига қараб "биргаликдаги имтиёзлар"ни бериш ([Страсбург мисоли](#), 39-слайд).

### ✓ Мобиллик билан боғлиқ хизматлар учун маҳсус тарифларни таклиф этиш

Истиқболли йўналиш - турли транспортдан фойдаланиб ҳаракатланишни рағбатлантириш учун мобиллик билан боғлиқ бошқа хизматларга маҳсус тарифларни таклиф қилиш. Масалан, бу Р+Р (ЖТ га ўтиш учун тўхтаб туриш жойлари) фойдаланувчилари учун бепул чипталар ёки микромобиллик шеринги учун чегирмалар бўлиши мумкин (Гренобл [мисоли](#), 44-слайд).

Кўшимча материаллар: [Жамоат транспортида нархлар тузилиши - TCAD](#) (ХТФ), [Шаҳар транспорти учун ким ва қанча пул тўлайди?](#) (AFD)



# **4-СИЁСАТ ЙЎНАЛИШИ**

## **ЙЎЛОВЧИЛАР СОНИНИ КўПАЙТИРИШ ВА ҚАТНОВЛАРГА БўЛАЖАК ТАЛАБНИ ҚОНДИРИШ УЧУН ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАРМОГИ ВА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

- ЖТ ТАРМОГИ ТУЗИЛИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**
- АВТОТРАНСПОРТ ПАРКИНИ КўПАЙТИРИШ ВА  
ЯНГИЛАШ**
- ХИЗМАТ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ**



# ЖТ тармоғи тузилишини оптималлаштириш

## Жорий вазият


**Етарлича оптималлаштирилмаган тармоқнинг муносиб қамрови - такрорий ва узоқ маршрутлардан иборат тузилмани йўқотишдир.**

- ЖТнинг 216 та йўналишининг етарлича умумий узунлиги (3,884 км) (100 минг аҳолига 144 км, солишириш учун: Миланда 115 км)
- Аҳоли жон бошига тўхташ жойлари сони (жами 2349 та) паст даражада (100 минг аҳолига 87 та, солишириш учун: Миланда 126 та).
- Тўхташ жойлари орасидаги ўртача масофа оптималга яқин (шаҳар марказида 300-600 м)

### Мавжуд режа

- 159 та автобус йўналишида кўп даражали (магистрал, ҳалқа, уланиш, етказиб беришдан иборат) тузилмани қўллаш
- Қўшимча тўхташ жойларини яратмасдан 1160 та автобус бекатини қайта қуриш
- Мавжуд метро линияларини еттига станцияга узайтириш
- 35 та станциядан иборат 52 км узунликдаги метро ҳалқа линиясини қуриш

## Тошкент метроси схемаси




Манба: [Tashtrans.uz](http://Tashtrans.uz)

# ЖТ тармоғи тузилишини оптималлаштириш

## Яхшилаш чоралари

- ✓ **Иерархик, бирлаштирилган ва ўзаро боғлиқ тармоқни яратиш**
  - ЖТ тармоғи оммавий транзит асосида юқори талабга ва бошқа транспортта үтиш кенг күламли имкониятларига әга радиал ва ҳалқа йұналишларига хизмат күрсатадиган магистрал йўл сифатида қурилиши керак.
  - Мунтазам автобус қатновлари оммавий транзит учун транспорт воситаси бўлиб хизмат қилиши ва маҳаллий худудларда ишлаши керак.
  - Микроавтобуслар минимал мавжудлик даражасини сақлаб қолиши учун жадаллиги камроқ, аммо мустаҳкам ва муҳим йұналишларга хизмат кўрсатиши керак.
  - талабга кўра хизматлар аҳоли зичлиги паст бўлган чекка худудларда ишлаши мумкин.
- ✓ **Хизмат кўрсатиш зonasи қамровини оптималлаштириш**

Тармоқни оптималлаштириш алгоритмлари/воситаларидан фойдаланиш талаб тузилмасига мувофиқ йұналишлар ва тўхташ жойларини тақсимлашни яхшилаш учун зарур. Тармоқни оптималлаштиришни янада яхшилаш учун транспортнинг мавжудлиги каби қўшимча жиҳатларни ҳисобга олиш керак.



Кўшимча материаллар: [Кенгайтирилган автобус тармоқлари - TCAD](#) (ХТФ), [Шаҳар имкониятларининг қиёсий таҳлили](#) (ХТФ)

# ЖТ тармоғи тузилишини оптималлаштириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Шаҳар ва унинг агломерацияси ўртасидаги алоқани яхшилаш

Шаҳар ҳалқа йўлидан ташқарига чиқувчи йўналишларни ёки шаҳар чегарасида транспортдан транспортга ўтиш жойларни киритиш керак.



### ✓ Параллел йўналишларни кўп сонли йўловчиларга хизмат кўрсатишга қодир соддороқ маршрутларга бирлаштириш

Йўналишнинг оддий тузилиши қулай, барқарор ва бошқариш осон тармоқни яратишга ёрдам беради. Бундан ташқари, бу ташувларнинг частотаси, ишончлилиги ва сифатини оширади.

### ✓ Кўпроқ турли хил транспортдан транспортга ўтиш жойларини яратиш керак

Кўпроқ турли хил транспортдан транспортга ўтиш/туташиш жойларини яратиш. Транспортдан транспортга ўтиш жойларининг қулайлигига устувор аҳамият берилиши керак, шунда жисмоний инфратузилмадан рақамли инфратузилмага қадар ҳамма нарса шу мақсадга хизмат қиласди ([Транспортдан транспортга ўтиш жойларининг функциялари](#), 21 - бет).

## Оддий ва бирлаштирилган маршрутлар



Манба: [Жамоат транспорти - тармоқларни режалаштириш](#) (ХиТранс)

# ЖТ тармоғи тузилишини оптималлаштириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ **Мослашувчан ва кенгайтирилдиган ТАТ (тезюарар автобус транспорти) тизимини жорий этиш**

ТАТ тармогини аста-секин ривожлантириш, унинг кўлами ва мураккаблик даражасини ошириш мумкин:

- 1) Устуворликларни белгилаш ва инфратузилмани бир оз модернизация қилиш орқали мавжуд автобус йўналишларида тезликни ошириш. Тизим мавжуд автопарк ёрдамида бошқарилиши мумкин ([Аргентина мисоли](#), 24-слайд).
- 2) Амалга ошириш осон бўлган йўналишларда маҳсус инфратузилма ва янги парк билан мустақил ТАТ хизматларини жорий этиш ([Мехико шахри мисоли](#), 14-слайд).
- 3) Битта бренд остида ягона тармоқ яратиш учун хизматларни индивидуал режалаштириш билан кенгайтиришни давом эттириш керак ([Колумбия мисоли](#), 9-слайд).

Режалаштириш ТАТ тизимини енгил темир йўлга (ЕТЙ) айлантириш имкониятини таъминлаш учун инфратузилманинг мослашувчанигини ўз ичига олиши керак. Кейинги босқичларда йўловчилар ташиш ҳажми ва эҳтимолли даромадлар инвестициялар ва операцион харажатларни оқлайдиган даражага кўтарилиши мумкин.

Қўшимча материаллар: [Тезюарар автобус транспорти тармоғи - TCAD](#) (ХТФ)

Кўрсаткич	ТАТ	LRT
Қурилиш вақти	1-2 йил	2-3 йил
Ажратиш полосаси	Ажратилган	Ажратилган/ умумий
Станциялар орасидаги масофа (км)	0,3-0,8	0,5-1,8
Сигими (йўловчилар/транспорт воситаси)	160-270	170-280
Линиянинг ўтказиш қобилияти (йўловчилар / йўналиш / соат / полоса)	2,500-22,500	12,000-27,000
Максимал тезлик (км/соат)	60-70	60-80
Ўртacha капитал харажатлар (млн. USD / км)	8,4	21,5
Ўртacha операцион харажатлар (USD / км транспорт воситаси даромади)	2,94	7,58

\* Харажатлар АҚШда ўтказилган тадқиқотлар асосида 2000 йилдаги ўртacha истеъмол нархлари индексидан (АҚШ доллари) фойдаланган ҳолда ҳисобланган.

Манба: [CAT. Самарали ва рақобатбардош жамоат транспорти тури](#) (IURD Berkeley)



# Автотранспорт паркини кўпайтириш ва янгилаш

## Жорий вазият

**Ёқилғи самарадорлиги паст ва эскирган транспорт  
воситаларининг улуши юқори бўлган автобус парки етарли  
эмас.**

- Парк ҳажми: 1184 та автобус (80% дизел ёқилғиси) ва 264 та метро вагонлари
- Сифатли хизмат кўрсатиш учун автобус парки етарли эмас (*1000 аҳолига 0,4 автобус, [Миланда 0,85](#)*)
- Эскирган транспорт воситалари кўпинча техник носозликларга дуч келишади:
  - Автобуслар - ўртacha ёши 7,4 ёш (*Европа [Иттифоқида 12,8 ёш](#)*), 30% > 10 ёш
  - Метро - 60% > 30 йил

### Мавжуд режа

- 2025 йилга келиб 1160 та янги автобус етказиб бериш (паркнинг умумий сони 1359 та автобус)
- 2022 йилгача 56 та метро вагонларини етказиб бериш
- Имкониятларни ошириш учун метро поездларининг узунлигини ошириш (ҳар бир поездга бешта вагон)



Манба: Shutterstock (Marina Rich, Felix Lipov)

# Автотранспорт паркини кўпайтириш ва янгилаш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Эскирган транспорт воситаларини янгилаш орқали автобус паркини кенгайтириш

Дастлабки босқичларда, паркни тўлиқ янгилаш ўрнига, кўплаб маршрутларда кўпроқ имкониятлар ва қулайликни таъминлаш учун транспорт воситаларининг ўзларини янгилашга эътибор қаратиш лозим. 8-10 ёшдан катта бўлмаган транспорт воситаларини тиклаш ва янгиларини сотиб олиш керак (дизел транспорт воситаларидан ЛНГ ёки электр транспорт воситаларига ўтиш билан [конверсия ва модернизация](#)).

### ✓ Микроавтобусларни мунтазам йўналишларда кичик сифимли автобуслар (микроавтобуслар) билан алмаштириш

Кам талаб қилинадиган йўналишларда хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ва бирлаштириш ва уларни ЖТ тизимига тўлиқ киритиш. Айни пайтда, йўловчи микроавтобуслари кичик хусусий компаниялар томонидан бошқарилади ва одатда талаб чекланган йўналишларга хизмат қилади. Бундай хизматлар қулайлик, хавфсизлик ва ташки ўзига хослигининг мос бўлмаган даражаси туфайли кенгроқ тармоқнинг бир қисми сифатида қабул қилинmasлиги мумкин.

### ✓ Автотранспорт воситаларини фойдаланувчи талабига, йўлга ва транспорт оқимиға мослаштириш

Автотранспорт воситаларининг ўлчамлари йўловчилар талабига, йўлга ва транспорт шароитларига мослаштирилиши керак, бу ҳатто талаб кам бўлган йўналишларда ҳам узлуксиз ва тез-тез ишлашни таъминлайди. Автотранспорт воситасининг конфигурацияси қулайлик ва самарадорлик ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ҳам муҳимдир, бу ўтирган ва турган йўловчиларнинг нисбати, кириш/чиқиш эшиклари сони, пол баландлиги, иқлим назорати ва бошқаларни ўз ичига олади.

# Автотранспорт паркини кўпайтириш ва янгилаш

## Яхшилаш чоралари

- ✓ **Хавфсизлик, қулайлик ва фойдаланининг кўп қирралилигига алоҳида эътибор бериш**

Янги транспорт воситалари чекланган мобиллик, ёш, жинс ва бошқалар каби омилларни ҳисобга олган ҳолда барча йўловчилар гуруҳлари учун хавфсиз ва қулай фойдаланишни таъминлаши керак.

- ✓ **Автобазалар ва таъмирлаш устахоналарини модернизация қилиш**

Паркни янгилашдан ташқари, автобазалар ва устахоналарни модернизация қилиш, шу жумладан эҳтиёт қисмлар, материаллар ва хизмат кўрсатиш технологиялари сифатини ошириш транспорт воситаларининг ишлаш муддатини ва уларнинг операцион ишончлилигини сезиларли даражада ошириши мумкин ([Хиндистон мисоли](#)).

- ✓ **Эксплуатациядан чиқаришнинг аниқ жараёнларини ўрнатиш**

Автотранспорт паркини кенг миёсда янгилаш даврида эксплуатациядан чиқариш учун барқарор жараёнларни яратиш керак. Бунга конверсия, экспорт, утилизация ва бошқалар киради.



Манба: Shutterstock (Try\_my\_best, Vladimir Mulder)

# Хизмат даражасини ошириш

## Жорий вазият

**Хизматнинг етарли эмаслиги, шу жумладан ишончлилик, қулайлик ва фойдаланувчи учун мақбуллик даражаларининг пастлиги.**

- Жадвал бўйича нисбатан узоқ кутиш вақти (метро учун 3-7 дақиқа, автобус учун 15 дақиқа, микроавтобус учун 20 дақиқа)
- Автобуснинг кутиш вақти энг тифиз соатларда 25-30 дақиқага етади
- Транспортнинг барча турларида фойдаланувчилар учун маълумотлар деярли йўқ
- Чипталарни сотиш тизими интеграциялашмаган.
- Мухим йўналишларда транспорт воситаларининг тартибсизлиги ва йўловчилари ҳаддан ташқари қўплиги

### Мавжуд режа

- Ўртача ҳаракат частотасини икки баравар ошириш
- 11 та магистрал йўналишда устуворликка эга полосаларни жорий этиш
- Ишончлиликни 95% даражасида таъминлаш
- ЖТнинг ўртача тезлигини 17% га ошириш (лойиҳалашни такомиллаштириш, ЖТ устуворлиги, ақлли ҳаракатни бошқариш орқали)



Манба: Shutterstock (Felix Lipov)

# Хизмат даражасини ошириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Тармоқ эфектига эришиш учун жадвални тузатиш

Асосий йұналишларда "жадвални унут" (5-10 дақықа) ҳаракат оралигини белгилаш керак. Талаб кам бүлған йұналишларда - транспортдан транспорттега ўтиш қулагишини таъминлаш учун импульс жадвалини жорий этиш. Бу маълум бир мухим транспорт марказларида барча жұнаш ва келиш вақтларини синхронлаштиришни үз ичига олади ва юқори ишончлиликни талаб қиласы.



### ✓ Тармоқ бўйлаб ҳаракатланиш оралигинининг барқарорлигини қўллаб қувватлаш

Жадвал бутун тармоқ бўйлаб изчил ва тушунарли бўлиши керак: масалан, магистрал йұналишлар - 5 дақиқа, етказиб бериш йұналишлари - 10 дақиқа, маҳаллий хизмат кўрсатиш йұналишлари - 15 дақиқа; бу режалаштириш самарадорлигини ва фойдаланувчи учун қулагишини оширади.

### ✓ Мослашувчан қатнов частотаси, экспресс ва бекатларни ўтказиб юбориш билан хизматларни жорий этиш

Ҳар бир йұналишда талаб ўзгаришини қондириш учун кун давомида ва маршрутнинг маълум қисмларида мослашувчан қатнов частотаси қўлланилиши мумкин. Экспресс йұналишлар ва бекатларни ўтказиб юборишли қатновлар ушбу стратегияни амалга оширишга ёрдам бериши мумкин.

## Тармоқ эфектига эришиш учун жадвални тузатиш



Манба: [Жамоат транспорти - тармоқларни режалаштириши](#) (HiTrans)

# Хизмат даражасини ошириш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Транспорт маълумотларини тақдим этиш тизимини такомиллаштириш

ЖТ-даги ахборот тизими транспорт салонларида, тўхташ жойларида ва станцияларда реал вақт экранларини; жадваллар, маршрутлар, тармоқ хариталари, пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар билан маълумот стендлари; навигация ва йўлни қидиришни ўз ичига олади. ЖТ маълумотлари ҳам доимий, ҳам даврий фойдаланувчилар, ҳамда маҳсус эҳтиёжли йўловчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

### ✓ Умумшаҳар устувор ЖТ тизимини ишлаб чиқиш

Барча магистрал ва транспорт автобус йўналишлари устувор чоралар билан иложи борича қўллаб-қувватланиши керак. [Бундай чора-тадбирларга](#) ажратилган йўллар, транзит сигналларининг устуворлиги ва қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш тизими киради. Шаҳар маконининг етишмаслиги шароитида илгарилаб ўтиш (обгон) полосалари ёки даврий ишловчи полосалар муқобил сифатида қўлланиши мумкин. ЖТ тезлиги автомобилда "уйдан уйгача" ҳаракат тезлигига солиштирса бўладиган ёки ундан юқори бўлиши керак.

### ✓ Интеграциялашган чипталарни сотиш тизимини ишга тушириш

Интеграциялашган чипталарни сотиш турли хил ЖТ, операторлар ёки географик ҳудудлар ўртасида транспортдан транспортга ўтишни осонлаштиради. У умумий тўлов механизми, ягона чипталар ва мувофиқлаштирилган тарифларни ўз ичига олади. Интеграциялашган чипталар савдоси турли хил транспорт турларидан фойдаланган ҳолда саёҳатларни ривожлантиришга ёрдам беради ва улардан фойдаланиш оддийлиги ва қулайлигини оширади.

Қўшимча материаллар: [Жамоат транспорти ҳақида маълумот-TCAD](#) (ХТФ), [интеграциялашган чипталарни сотиш - TCAD](#) (ХТФ)



# 5-СИЁСАТ ЙЎНАЛИШИ ТРАНСПОРТ ТАКЛИФИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН НОРАСМИЙ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

- ТАКСИ ХИЗМАТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ
- НОРАСМИЙ ХИЗМАТЛАРДАН "ТАЛАБГА КЎРА" ХИЗМАТЛАРГА ЎТИШ



# такси хизматларини самаради тартибга солиш

## Жорий вазият

**Субоптималь қонунчиллик, иш шароитлари, шунингдек қонун ижрочилигининг сустлиги ноқонуний таксиларнинг кўпайишига олиб келади.**

- Ҳар минг аҳолига 3,7 та машина (лицензиясиз транспорт воситаларидан ташқари)
- Такси хизматларининг 70% лицензиясиз/ноқонуний
- Ноқонуний таксилар жиддий муаммоларни келтириб чиқаради:
  - Уларнинг паст нархи ҳаддан ортиқ рақобат яратиб, ЖТГа талабни камайтиради
  - Улар шаҳар транспортининг хавфсизлиги, қулайлиги ва ишончлилигига салбий таъсир қиласди
  - Улар шаҳар таксисидан тушадиган даромадларининг сезиларли пасайишига олиб келади (2010 йилда тахминан 1 миллион АҚШ доллари)

## 1000 кишига тўғри келадиган таксилар сони



Манба: [CityTransitData](#) (UITP)

# такси хизматларини самаради тартибга солиш

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021-2022 йиллардаги  
қарорлари такси бозорини ислоҳ  
қилиш тажрибасини жорий этди.

- Жисмоний шахслар тўғридан-тўғри тадбиркор сифатида фаолият юритиши мумкин
- Маъмурий тартиб-қоидалар учун ўрнатилган рақамли тизим (лицензия олиш, транспорт воситасини ижарага олиш, кўрикдан ўтиш)
- Ҳайдовчилар ва уларнинг транспорт воситалари маълум шартларга жавоб берishi керак
- 2021 йил сентябр ойидан бошлаб фаолиятни фақат дастурга асосланган агрегаторлар орқали амалга оширишга руҳсат берилади
- Тижорат транспорт дастурлари (ТТД) дан фойдаланадиган компаниялар учун регламентлар
- Лицензияланган транспорт воситалари учун қўшимча ҳайдаш ва тўхташ хуқуқларини жорий этиш (масалан, чекланган жойларга кириш ва тўхташ жойларидан фойдаланиш, тўхташ жойлари учун тўловдан озод қилиш ва бошқалар)

Манба: [Такси қонунчилиги бўйича тажриба](#) (Газета.уз), [Президентнинг ПҚ-311-сонли қарори](#) (lex.uz)



Манба: Shutterstock (Kirill Skorobogatko)

# такси хизматларини самарагорлигини таҳлил қилиш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Синов даврида такси ислоҳотининг самарадорлигини таҳлил қилиш

Ислоҳотнинг асосий мақсади таксиларни барқарор мултимодал шаҳар мобиллик тизимининг ажралмас қисмига айлантиришдир. ЖТ билан рақобатни йўқ қилиш ёки минимал даражада чеклаш керак, бир-бирини тўлдириш эса кучайтирилиши керак. Расмий такси хизмати компаниялар ва индивидуал ҳайдовчилар учун барқарор ва молиявий жиҳатдан фойдали муқобил сифатида ташкил этилиши керак.

### ✓ Ёлланган йўловчи транспорти билан боғлиқ ҳуқуқий базани батафсил кўриб чиқиш

ТТД ҳайдовчилари ва операторлари учун қоидалар ва сифат параметрларини аниқлаш керак. Хизмат кўрсатиш тартибининг ҳар бир босқичи - транспорт воситасини ёллашдан бошлаб шикоят беришгача, оддий ва изчил ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир томоннинг жавобгарлик зоналари аниқ чегараланган бўлиши керак ([Филиппин мисоли](#), 32-слайд). Мониторинг ва мақсадли тартибга солиш учун маълумотлар ҳисоботи самарагорлиги сиёсатни ишлаб чиқишнинг яна бир муҳим қисмидир.

### ✓ Ноқонуний такси хизматларига қарши фаол чораларни кўриш

Самарагорлиги ижро милиция, маҳсус бўлинма/орган ([Лондон мисоли](#)), фуқароларнинг хабарлари ва автоматлаштирилган идентификация ([Хитой мисоли](#)) орқали амалга оширилиши мумкин.

Кўшимча материаллар: [Дастурга асосланган транспорт ва такси хизматлари](#) (ХТФ), [Мобиллик тўғрисидаги ҳисобот](#) (ХТФ)



# такси хизматларини самаради тартибга солиш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Бозорга кириш ва ўзини ўзи бошқариш элементларига юмшоқ чекловлар ўрнатиш

Ҳаддан ташқари кўп ёки кам таъклифни олдини олиш учун шаҳарнинг ҳар бир ҳудудида ишлайдиган такси транспорт воситаларининг умумий сонини назорат қилиш керак. ТШХТБ операторлар сонини тартибга соловучи, аммо ҳар бир операторга Парк ҳажми бўйича таклифлар киритишга имкон берадиган сертификат ёки франчайзинг тизимини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш керак.

### ✓ Етарлича хизмат кўрсатилмайдиган ҳудудлар/даврлар учун динамик такси тарифларини жорий этиш

Бу ТТД операторлари томонидан жамоат йўл маконидан фойдаланиш учун қўшимча динамик тўловни назарда тутади. Унинг ҳажми такси ишининг умумий шаҳар мобиллигига таъсири билан белгиланади. Бу шаҳарда такси хизматларини яхшироқ тақсимлашга ёрдам беради ([Сан-Паулу мисоли](#), 34-слайд).

### ✓ Яшил технологияларни тарғиб қилиш учун транспорт воситаларининг ёшини чеклаш ва чиқиндилар стандартларидан фойдаланиш

Ҳар хил турдаги двигателларга эга бўлган транспорт воситалари турли талаблар қўлланилиши мумкин. Автомобил қанчалик экологик тоза бўлса, у шунчалик узоқ вақт текширувсиз ишлаши мумкин ([Эдинбург мисоли](#)).

### ✓ Заиф гуруҳларни "рақамли бегоналаштириш" дан ҳимоя қилиш

Рақамли платформаларга кириш имконига эга бўлмаган ижтимоий гуруҳлар хизматларга буюртма бериш ва тўлашда истисно қилинmasлиги керак. Буни ТТД операторлари учун қўшимча хизмат кўрсатиш стандартини жорий этиш ёки бозорда оддий таксиларни қолдириш орқали ҳисобга олиш мумкин ([Хитой мисоли](#)).

Қўшимча материаллар: [Транспорт воситаларини биргаликда ишлатиш / ижарага олиш - TCAD \(ХТФ\)](#)



# Норасмий хизматлардан "талабга кўра" хизматларга ўтиш

## Жорий вазият

**Тошкент шаҳрида Дамас автомобилларида ташиш норасмий табиати туфайли тақиқланган, шу билан бирга шаҳарнинг бир нечта ҳудудлари ЖТ билан қамраб олинмаган.**

- Дамас - Ўзбекистонда кенг қўлланиладиган 6 ўринли йўловчи автомобили
- Унинг оммаболлиги арzonлиги, тежамкорлиги ва мослашувчан ишлаш учун мақбул имкониятлари билан боғлиқ
- Тошкентда хавфсизлик муаммолари ва тирбандлик, шунингдек, мунтазам ЖТ билан юқори рақобат туфайли "Дамас"ларда хизматлар кўрсатиш тақиқланган.
- Тошкент мегаполисининг айrim ҳудудлари узоқ жойлашганлиги ва аҳоли зичлиги пастлиги сабабли ЖТдан фойдаланиш имконига эга эмас



Манба: Shutterstock (Karasev Viktor)

# Норасмий хизматлардан "талабга кўра" хизматларга ўтиш

## Яхшилаш чоралари

- ✓ **Дамас автомобилларида транспорт хизматларини талабга биноан хизматларга айлантириш ва уларни тармоқقا улаш**

Хизматлар икки шаклда тақдим этилиши мумкин: "биринчи ва охириги километр" уланиш йўналишлари ёки муҳим манзилларга тўғридан-тўғри етказиш. Улар узоқ ва етарли даражада хизмат кўрсатилмайдиган ҳудудларга йўналтирилган бўлиши керак, бу қатнов вақти ва нархи бўйича шахсий автомобилларга муносиб муқобилни яратади. Чипталарни сотиш асосий ЖТ тизимига бирлаштирилиши керак ([Янги Жанубий Уэлс, Австралия мисоли](#)).

- ✓ **Инновацион тадбиқ этиш стратегияларига риоя қилиш**

Дастлабки босқичларда пилот лойиҳалар ва кенгайтиришни қўллаб, шартномаларнинг тузилиши ва шартларига мослашувчан бўлиш керак. Талабга кўра хизматлар бошқа тўлов тизими (масалан, километр ёки вақтга асосланган субсидиялар ўрнига йўловчилар сонига асосланган субсидиялар) ва АСК (масалан, жадвалга риоя қилиш ўрнига ўртacha кутиш вақти) билан янги турдаги шартномани талаб қиласди.

Хизматлар эҳтимолли фойдаланувчиларнинг кенг доирасини қамраб олиш учун анъанавий элементлар (масалан, илова ёки телефон орқали банд қилиш)ни сақлаб қолган ҳолда энг сўнгги рақамли ёчимларни ўз ичига олиши керак. Автотранспорт йўналишлари турли жойларда йўловчиларни самарали йиғиш учун реал вақтда оптималлаштирилиши мумкин.

Кўшимча материаллар: [талабга кўра жамоат транспорти - TCAD](#) (ХТФ), [Янги авлод аралаш қатновлари](#) (доор2доор)



# 6-СИЁСАТ ЙЎНАЛИШИ ТУРЛИ ХИЛ ЖТ-ЛАРНИ ИНТЕГРАЛЛАШУВИ УЧУН МИКРОМОБИЛЛИК, ШЕРИНГ ВА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

- МИКРОМОБИЛЛИК ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ВА БИРЛАШТИРИШ
- ШЕРИНГ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ
- РАҚАМЛАШТИРИШ СУРЪАТЛАРИНИ  
ТЕЗЛАШТИРИШ



# Микромобиллик тизимини ишлаб чиқиш ва бирлаштириш

## Жорий вазият

**Микромобиллик ҳали яхши ривожланган муқобил вариант эмас. Тўғри шароитларда у Тошкент шаҳар транспорт тизимида ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин.**

- Тошкент микромобиллик учун оптимал ўлчам, ландшафт, иқлим шароити ва кўчалар профилига эга
- Велосипед инфратузилмаси 12 та кўчада мавжуд (жами 100 км)
- Микромобил транспорт турларининг модал улуши жуда кам

### Мавжуд режа

- Велосипед (250 км) ва пиёдалар тармоқларини ривожлантириш



Манба: Shutterstock (Yashkin Ilya)

# Микромобиллик тизими니 ишлаб чиқиш ва бирлаштириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Микромобилликни шаҳар мобиллиги режасига киритиш

Алоҳида режада лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича тавсиялар, аниқланган муаммолар ва ҳар йили амалга ошириладиган ҳаракатлар бўлиши керак ([Амстердам мисоли](#), [Копенгаген мисоли](#)). Ушбу лойиҳани молиявий қўллаб-куватлаш учун шаҳар бюджетининг аниқ белгиланган улушини ажратиш керак ([Лисабон мисоли](#)).

### ✓ Синовлардан бошлаш, йўл маконини микромобиллик учун вақтинча қайта тақсимлаш

Микромобил транспорти учун доимий инфратузилма қурилишидан олдин вақтинчалик чора-тадбирлар тезда амалга оширилиши мумкин. Бунга тезликни пасайтириш ва йўл майдонини қайта тақсимлаш киради (Париж [мисоли](#)), бу хатти-ҳаракатлар ўзгаришининг кенг доирасига олиб келиши мумкин ([Осло мисоли](#)).

### ✓ Шаҳарсозликка транспорт турлари иерархиясини киритиш

Кўчалардан фойдаланишнинг модал иерархиясини барча шаҳарсозлик лойиҳаларига киритиш керак. Кўча макони ва инвестициялар энг устувор транспорт турларидан бошлаб аста-секин тақсимланиши керак ([Йўл майдонини қайта тақсимлаш](#), 79-слайд).

Кўшимчा материаллар: [Микромобиллик, тенглик ва баркарорлик](#) (ХТФ)



Манба: Shutterstock (LukeOnTheRoad, Wandering views)

# Микромобиллик тизими니 ишлаб чиқиш ва бирлаштириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Бирлаштирилган қулай микромобил тармоғини яратиш

Фақатгина велосипед йўллари тармоғини янада кенгайтиришга эътибор беришдан ташқари, боғлиқлик, қулайлик ва жозибадорликни муҳим омиллар сифатида ҳисобга олиш керак.

### ✓ Электр транспортидан фойдаланишни рағбатлантириш

Маълумот, зарядлаш пунктлари ва маҳсус имтиёзлар билан таъминлаш ва электрвелоципедлар ва бошқа енгил транспорт воситаларидан фойдаланишни рағбатлантириш керак.

### ✓ Маркетинг ва ахборот кампаниялари орқали хатти-ҳаракатларнинг мақсадли ўзгариши

Алоқа стратегиялари яшаш шароитларини яхшилашга ва фуқароларга автомобилга нисбатан қаршилик таассуротидан қочиш учун бошқа афзалликларга қаратилиши мумкин ([CIVITAS кўлланмаси](#)).

## Микромобил тармоқ

### Боғлиқликнинг юқори даражаси

Оммабоп йўналишлар транспорт оқимини биргалиқда лойиҳалаш ва ўлчаш орқали харитада кўрсатилиши ва микромобиллик магистраллари ва уларнинг уланиш бўғинлариининг кўп даражали тармоғига айлантирилиши керак.

### Инфратузилмани яхшилаш

Йўл инфратузилмаси (масалан, чорраҳалар, ўтиш жойлари) ва фойдаланувчиларнинг устуворлиги учун светофорлар/белгилар билан бирга микромобил транспорти учун полосалар.

### Сифат ва изчилик

Қулайликка, жумладан йўл қопламаси, тўхташ жойлари ва транспортдан транспортга ўтиш марказлари, хизмат кўрсатиш станциялари ва транспорт воситалари ичидаги жойлашувга эътибор қаратиш.

### Ташқи ўзига хослик

Микромобил инфратузилмасининг ташқи ўзига хослиги ва унинг шаҳар мухитига уйғунлиги.



# Шеринг учун қулай шароит яратиш

## Яхшилаш чоралари

Шаҳар маконини қайта лойиҳалаш ва ва  
**хавфсизроқ муҳит ва жозибали бозор яратиш**  
учун йўл ҳаракати бошқарувини  
Такомиллаштириш.

Фойдаланувчилар учун шеринг талабарини ишлаб чиқиш  
(ёши, ҳайдовчилик тажрибаси, шахси,  
транспорт воситасидан фойдаланиши,  
хавфсиз хатти-ҳаракатлари ва бошқаларни текшириш.

Фойдаланиш ва тўхташ учун рухсатномалар бериш учун  
**танланган хизмат кўрсатувчилар учун**  
маъмурий тартибларни белгилаш.

Кўшимча материаллар:  
[Байкшеринг \(велосипеддан биргаликда фойдаланиш - TCAD](#) (ХТФ),  
[Каршеринг \(машинадан биргаликда фойдаланиш\) - TCAD](#) (ХТФ),  
[Марказий Осиёдаа каршеринг \(UNECE\)](#)

Шеринг операторларига талабларни ишлаб чиқиш ва  
руҳсат бериш механизмлари (лицензиялаш, суғурта,  
автопарки, даромад йиғиши ва бошқалар).

Барқарор бўлиши ва ЖТни тўлдирилиши керак бўлган  
шеринг учун имтиёзларни **жорий этиш** (транспорт турларини бирлаштириш, электр транспорти учун субсидиялар/кредитлар).


**Иш фаолиятини кузатиш ва**  
тез ўзгарувчан бозорни ривожлантиришни бошқариш  
Мониторинг тизимини ташкил қилиш.

# Рақамлаштириш суръатларини тезлаштириш

## Жорий вазият

### Рақамли ечимлар ва ақлли транспорт тизимларини (АТТ) қўллаш ҳолати дастлабки босқичда.

- Автоматик тўлов тизими 2020 йил январ ойидан бошлаб амал қиласди ва фақат шаҳар ядроси ичидаги ишлайди
- Тўлов тизимидан йўловчиларнинг 60 фоизи фойдаланади
- ASDUM диспетчерлик тизими автобусларнинг Реал вақт режимидаги ишланини кузатишга имкон беради (фақат энг йирик оператор учун)
- "Тошкент транспорти" иловаси реал вақт режимидаги маълумот ва саёҳатни режалаштиришга имкон беради, аммо субоптималь дизайнига ва чекланган функцияларига эга
- Йўловчилар ва транспорт воситалари тўғрисида маълумотларни йиғиши чекланган
- Тошкент учун кенг кўламли транспорт моделларининг йўқлиги (фақат алоҳида кўчалар ва чорраҳалар учун микромоделлар)



Манбалар: ATTO, App Store

# Рақамлаштириш суръатларини тезлаштириш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Интеграциялашган чипталар тизимини түлиқ тадбиқ этилишини таъминлаш

Автоматлаштирилган ва интеграциялашган йўл ҳақи тизими Тошкент пойтахт минтақасида түлиқ географик қамровга эришиши ва барча мавжуд ва келажақдаги транспорт турларини ўз ичига олиши керак. Чипта кассаси, савдо автомати, Интернет, мобил телефон каби тўлов усуллари ни диверсификация қилиш керак. Каршеринг/байкшеринг, тўхташ жойи, ушлаб қолувчи тўхташ жойларини, бўш вақтни ташкил қилиш ва бошқалар каби бошқа хизматларни интеграллаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

### ✓ "Тошкент транспорти" иловаси асосида умумтармоқ саёҳат режалаштирувчисини яратиш

Илованинг функционал имкониятларини кенгайтириш усулларини кўриб чиқиш керак, масалан, янги транспорт турларини қўшиш, кириш/чиқиш имкониятлари, чипталарни сотиб олиш имкониятлари, саёҳат пайтида билдиришномалар ва бошқалар.

### ✓ Барча транспорт воситаларини автоматик жойлашувни аниқлаш тизими билан жиҳозлаш

Автоматик транспорт воситаларини жойлаштириш тизими (AVL)ни кўпроқ автобуслар ва метролар учун жорий этиш, натижада транспорт воситаларининг 100 фоизини қамраб олиш керак. Реал вақт режимида ишлашни бошқариш учун GPS маълумотлари ва бошқарув тизимидан фойдаланиш.

Кўшимча материаллар: [ЖТни Maas-га интеграция қилиш](#) (ХТФ), [Инновацион чипталарни сотиш](#) (CIVITAS)

# Рақамлаштириш суръатларини тезлаштириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Транспорт оқимини бошқариш учун ИТТ-ни жорий этиш

ЖТда ишлатиладиган транспортни бошқариш учун ИТТ таркибига устувор алгоритмларга эга бўлган светофорларнинг динамик кетма-кетлиги, даврий автобуслар учун полосалар, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини автоматик кузатуви, ўзгарувчан тезлик чегаралари ва бошқалар киради.

### ✓ Кенгроқ маълумотлар тўплашни тартибга солиш

Имкониятларни ўрганиш ва турли хил ишончли манбалар, масалан, [уй хўжаликлари кесимида миллий транспорт сўрови](#), транспорт ҳисоб-китоблари, йўловчилар сони, видеотасвирларни ва тўхташ жойларини тўлдирилишини таҳлилидан маълумотларни йиғиш ([БМТ ЭСКАТО қўлланмаси](#), [MobiliseYourCity қўлланмаси](#)).

### ✓ Тошкент пойтахт минтақаси учун стратегик транспорт моделини ишлаб чиқиш

Модел маълумотларни йиғишининг биринчи босқичидан кейин амалга оширилиши керак. У мавжуд тижорат пакетларидан бири асосида яратилиши мумкин.

### ✓ Маълумотларга асосланган сиёсатни режалаштириш ва шакллантиришни таъминлаш

Транспортнинг ишлаши ва ривожланишининг ҳар қандай босқичида маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш. Масалан, ASDUM маълумотлари ва Смарт-карта ёзувлари бирлаштирилиб, самарадорликни тактик баҳолаш ва талабга асосланган стратегик режалаштириш учун ишлатилиши мумкин.

Қўшимча материаллар: [Такомиллаштирилган сигнал тизими - TCAD](#) (ХТФ), [Маълумотларга асосланган транспорт сиёсати](#) (ХТФ)

# **7-СИЁСАТ ЙЎНАЛИШИ**

## **ШАҲАР МОБИЛИГИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИНИ МАКСИМАЛ ДАРАЖАДА ОШИРИШ ВА УГЛЕРОД ЧИҚИНДИЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА СИЁСАТ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎРИШ**

- УМУМШАҲАР АВТОТУРАРГОҲЛАР ИСЛОҲОТИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ**
- БАРҚАРОР МОБИЛЛИК КОНТЕКСТИНИ КУЧАЙТИРИШ**
- УГЛЕРОД ЧИҚИНДИЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ  
ДАСТУРИНИ КУЧАЙТИРИШ**



# Умумشاҳар автотурагоҳлар ислоҳотини амалга ошириш

## Жорий вазият

**Шаҳарда уюшмаган автотурагоҳ қўшимча тирбандликка ва йўл ҳаракати хавфсизлигини пасайишига олиб келади.**

- Кўчаларда бепул тўхташ жойлари
- Савдо марказлари, бозор, вокзалларда пуллик хусусий тўхташ жойлари
- Тўхтаб туриш жойларининг ўртача нархи соатига 0,25 АҚШ долларини, кунига 0,9 АҚШ долларини ташкил этади
- Мисол - Абу Саҳий савдо маркази (ўнгда)
  - Кўчаларда, пиёдалар йўлакларида ва яшил майдонларда ноқонуний тўхташ жойлари
  - Бозорга кириш жойлари ҳаддан ортиқ тўла, натижада 30 дақиқагача навбат кутилади
  - ЖТ ишлашида кечикишлар

### Мавжуд режа

- 12 та кўчада пуллик тўхташ жойлари, кейинчалик кенгайтириш билан



Манбалар: Shutterstock  
(Chamomile\_Olya), Google Maps

# Умумشاҳар автотураргоҳлар ислоҳотини амалга ошириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Мавжуд вазиятни батафсил таҳлил қилиш/ҳисобга олиш

Иш давомида кўчаларда ва уларндан ташқарида мавжуд тўхташ жойларини, талаб таркиби ва шаҳардаги сезгир зоналарни ўрганиш керак. Маҳаллий аҳоли билан мавжуд муаммолар, янги тартибга солишга муносабат ва унинг эҳтимолли таъсири тўғрисида маслаҳатлашувлар ўтказилиши мумкин. Тегишли манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқалар ва қонунчилик базасини таҳлил қилиш амалга оширишнинг тегишли стратегияларини аниқлашга ёрдам беради.

### ✓ Шаҳар бўйлаб тўхташ жойларини ислоҳотини жорий этиш

Ислоҳот таклиф ва нархларни тартибга солишни ўз ичига олиши керак ([59-слайдга қаранг](#)).

### ✓ Автотураргоҳ қоидаларига риоя қилиш учун самарали чораларни қўллаш

Буни маъмурий (алоҳида органни ташкил этиш), технологик (давлат рақамларини таниб олиш) ва инфратузилма (тўхташ жойларини ўрнатиш) чоралари билан кучайтириш мумкин.

### ✓ Тўхтаб туриш жойларини ислоҳ қилишни шаҳарсозлик тизимига кенгайтириш

Узоқ истиқболда, хусусий мулқдан (масалан, ДХШ шартномалари асосида) фойдаланиш ва кўпроқ ер ости иншоотларини қуриш орқали кўчаларда тўхташ жойини қисқартириш керак. Тураг-жойлар ҳудудида аҳоли сони ва транспорт муқобиллари асосида тўхташ жойларининг максимал сони тўғрисидаги талабни киритиш керак.

Кўшимча материаллар: [Автотураргоҳ ва киришини бошқариш интеграцияси](#) (CIVITAS), [Автотураргоҳларни жорий этиш режаси](#) (Нюкасл шаҳри)



# Умумشاҳар автотураргоҳлар ислоҳотини амалга ошириш

## Яхшилаш чоралари

### Талабни тартибга солиш

Турли хил транспорт воситалари синфлари ёки фойдаланувчи тоифалари учун географик зоналар ва чеклаш мезонларини аниқлаш Автотураргоҳни чеклаш даражаси ЖТ мавжудлиги билан бевосита боғлиқ бўлиши керак.

Мақсадли қўшимча чора-тадбирлар (махсус машиналар учун рухсатномалар ёки талаб бўйича хизматлар) орқали заиф аҳолини ҳимоялаш.

Ташрифи куним билан давом этадиганларга жозибадорликни камайтириш учун маҳаллий аҳоли ва қисқа вақтга келган меҳмонларга устунлик бериш.

Кўча маконидан динамик фойдаланиш ёрдмида шаҳар маҳсулотларини етказиб беришни таъминлаш.

Ҳаддан ташқари тирбандликка йўл қўймаслик учун тартибга солинадиган (масалан, тўхташ жойларини ушлаб туриш мосламалари билан) ҳудудга туаш жойларда бепул тўхташ жойларини бошқариш.

### Нархларни тартибга солиш

Тарифларнинг тузилишини ва бошқа молияви.

Юқори бандликка эришиш ва мақсадсиз рейсларнинг олдини олиш учун макон ва вақтнинг динамик нарх тузилишини қўллаш.

Узоқ муддатли автотураргоҳда чегирмалар беришдан сақланиш: кунлик тарифлар соатига камида олти баравар, ойлик тарифлар эса кунлик тарифдан камида 20 баравар юқори бўлиши керак.

Фойдаланувчиларга шаффоффлик ва қулайликка эришиш учун етарли маълумот ва турли хил тўлов усулларини (киоск, илова, СМС) тақдим этиш.

Қўшимча материаллар: [Автотураргоҳда нарх тузилиши -TCAD\(ХТФ\)](#),  
[Автотураргоҳни тартибга солиш - TCAD \(ХТФ\)](#)

# Барқарор мобиллик контекстини күчайтириш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича кенг қамровли аудитни ўтказиш

Аудит турли хил фойдаланувчиларнинг хавфсизлигига таъсир қилувчи асосий конструктив ва операцион хусусиятлари билан бутун йўл тармоғини баҳолашни ўз ичига олади. Натижада юзага келиши мумкин бўлган муаммолар рўйхати ва инфратузилмани модернизация қилиш ва транспортни ташкил қилишни яхшилашни ўз ичига олган дастур тузилиши керак.

### ✓ "Юмшоқ" чоралар ёрдамида шаҳар маконини ва транспортни бошқаришни яхшилаш

Реконструкция йўл қаторларини ажратиб белгилаш ва белгиларни ўрнатиш, светофорларнинг фазаларини ўзгартириш, транспорт оқимларини ажратиш, бурилишларни чеклаш ва турар-жой маҳаллаларида йўлларда тезликни пасайтириш каби нисбатан арzon "юмшоқ" ташабbusлар билан бошланиши мумкин.

### ✓ Хусусий автомобилларга қаратилган бир қатор фискал тадбирларни амалга ошириш

Хусусий автомобиллар билан боғлиқ салбий ташқи таъсирларни тўлиқ акс эттириш учун солиқ сиёсатини: транспорт воситаларини сотиб олиш, рўйхатдан ўтказиш, эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш учун солиқлар, ёқилғи солиғи ва йўл ҳақи ёки тирбандлик учун тўловлар орқали амалга ошириш мумкин. Ушбу воситалар бир-бирини истисно қилмайди ва биргалиқда қўлланилганда энг самарали бўлади. Шундай тариқа ҳокимият транспорт воситасига эгалик қилиш босқичида транспорт усулини танлашни бошқариши ва қатнов талабига ва унинг макон-вақт жиҳатдан тақсимланишига таъсир қилиши мумкин. Бироқ, ижтимоий яккаланишини олдини олиш учун солиқ сиёсатини пухта ўйланган бўлиши керак.

Кўшимча материаллар: [Йўл ийғимлари ва йўл ҳақи - TCAD](#) (ХТФ), [Тирбандлик нархлари - TCAD](#) (МТФ), [Тезлик чекловлари - TCAD](#) (ХТФ)

# Барқарор мобиллик контекстини күчайтириш

---

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Кенг жамоатчилик иштирокида транспортни ривожлантириш жараёнини йўлга қўйиш

Кўплаб ўзгаришлар билан шаҳар мобиллигини яхшилаш бўйича кенг кўламли дастур муқаррар равишда жамоатчилик келишмовчилигига олиб келади. Шу сабабли, яхши ишлаб чиқилган ва ресурслар билан таъминланган оммавий маслаҳатлашувлар жараёни ривожланишнинг ҳар бир босқичида муҳим аҳамиятга эга. Бу транспортни режалаштиришнинг максимал шаффоғлигини таъминлайди ва кенг жамоатчилик иштироки билан қарорларни янада демократик асосда қабул қилишга имкон беради.

### ✓ Тошкентда янги мобиллик маданиятини тарғиб қилишни таъминлаш

Бундан ташқари, шаҳарда янги мобиллик маданиятини тарғиб қилиш ҳам самарали натижаларга олиб келиши мумкин. Бунга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- барқарор мобилликнинг атроф-муҳит ва соғлиққа ижобий таъсири тўғрисида ахборот стратегиялари;
- ЖТ, пиёда ва велосипедда сайд қилиш ва шерингни тарғиб қилиш бўйича реклама ва маркетинг кампаниялари;
- ижтимоий тадбирлар (автомобилларсиз кунлар, пиёдалар учун вақтингчалик жойлар, ЖТ юбилейлари);
- экологик тоза транспорт воситалари, ЖТ, интермодаллик, экологик ҳайдаш ва бошқалар бўйича ўқув платформалари ([Civitas қўлланмаси](#)).

### ✓ Транспортга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш

Таклиф этилаётган режани амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий транспорт мутахассисларининг янги авлоди зарур. Шундай қилиб, мавжуд таълим тизими транспортга йўналтирилган ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган дастурлар билан янгиланиши керак.

# Углерод чиқиндиларини камайтириш дастурини кучайтириш

## Жорий вазият


**Углерод чиқиндиларининг камайиши шаҳар мобиллигининг келажақдаги стратегик манзарасида аниқ ва батафсил кўриб чиқилмайди.**

- Электр транспортининг (ЭТ) ҳозирги улуши аҳамиятсиз
- Хусусий автомобиллар ва автобусларни ўз ичига олган 2026 йилгача солиқсиз электр транспорти импорти
- Келажакда маълум имтиёзларга эга бўлишга имкон берадиган электр транспорти учун маҳсус давлат рақамлари
- Зарядлаш инфратузилмаси фақат алоҳида хусусий жойларда мавжуд
- Мақсадлар, кўрсаткичлар ва баҳолаш воситалари билан экологик тузилманинг етишмаслиги


### Мавжуд режа

- 2023 йилгача 230 та электр автобусни етказиб бериш
- Ўзбекистонда электр автобуслари ишлаб чиқариш

## Ўзбекистоннинг энергетик профили



## Тошкент автопаркининг профили



Манбалар: [Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги](#),  
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги

# Углерод чиқиндиларини камайтириш дастурини кучайтириш

## Яхшилаш чоралари

- ✓ Сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнида углерод чиқиндиларини камайтиришни түлиқ киритиш

Мақсад - ўнг устундаги рўйхатдан иложи борича кўпроқ элементларни киритиш.

- ✓ "Иқлимни молиялаштириш" орқали қўшимча маблағларни жалб қилиш

Иқлим билан боғлиқ молиявий механизмлардан қўшимча маблағ олиш учун транспортнинг барқарор ривожланиши таъминланиши керак. Масалан, йирик иқлим фонdlари (Глобал экология фонди, Тоза технологиялар Фонди) ва Тоза ривожланиш механизми ([Ханой мисоли](#), 119-слайд).

- ✓ Электр транспортни жорий этишга кўмаклашиш

"Яшил" харидлар, сотиб олишни рағбатлантириш, ишлатилган автомобил бозорини тартибга солиш ва фойдаланувчиларни харажатлардан (масалан, тўхтаб туриш учун тўловлар, йўл ҳақидан) озод қилиш орқали электртранспортининг тарқалишига кўмаклашиш керак.

Қўшимча материаллар:[Яшил давлат харидлари - TCAD \(ХТФ\)](#)

## Углерод чиқиндиларини камайтириш стратегияси

ТВ ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг қўшма органи

Кўрсаткичлар ва мониторинг билан углерод чиқиндиларини камайтириш бўйича аниқ мақсадлар (қаранг. [БШМ режаси](#))

Миллий даражада аниқланадиган ҳиссалар (NDC) га киритилган транспорт чоралари

NDCни амалга ошириш учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида Иқлим ўзгаришини юмшатиш бўйича миллий мақбул ҳаракатлар режаси (NAMA)

Ҳар қандай йирик транспорт лойиҳаси учун мажбурий элемент сифатида Стратегик экологик баҳолаш (CEO)



# Углерод чиқиндиларини камайтириш дастурини күчайтириш

## Яхшилаш чоралари

### ✓ Шаҳар бўйлаб зарядлаш инфратузилмасини яратиш

Асосий қадамлар слайднинг ўнг томонида келтирилган [С40 қўлланмаси](#), [ICCT қўлланмаси](#)).

### ✓ Миллий экологик ҳайдаш дастурини амалга ошириш

Бу чиқиндиларни 10% дан 20% гача камайтиришнинг энг осон ва тежамкор усулларидан биридир. Асосий мақсадли гуруҳлар - бу юк машиналари, автобус ва такси ҳайдовчилари, аммо хусусий автомашина фойдаланувчилари ҳам семинарларда қатнашишлари мумкин ([Odyssee-Mure Brief](#)).

### ✓ Ёқилғи ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли учун углерод изини камайтиришга эътибор қаратиш

Ёқилғи ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли учун углерод изини камайтиришга эътибор қаратиш лозим. Асосий эътибор ёқилғи ишлаб чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш босқичларига қаратилиши керак. Натижада, шаҳар транспортининг углерод чиқиндиларини бутунлай йўқ қилиш учун энг мос тоза энергия манбалари ва технологиялари танланиши керак ([ЭСС ҳисоботи](#)).

## ЭТ инфратузилмаси

Автобуслар ва шаҳар парклари учун зарядловчи инфратузилмани яратишдан бошлаш Шу билан бирга, аҳоли учун зарядлаш станцияларини жорий этишни бошлаш.

Маҳаллий омилларни, шу жумладан ЭТ сонини, уйда зарядлаш имконини ва келажакдаги ўсиш кўрсаткичларини баҳолаш орқали зарядловчиларнинг сони ва турлари бўйича режа тузиш.

Дастлабки босқичларда стандартлаштириш ва мувофиқликни таъминлаш.

Зарядлаш жойлари ва турларини диверсификация қилиш: тез зарядлаш марказлари, туарар-жой биноларида зарядлаш, йўл четидаги жамоат станциялари, енгил транспорт ва микромобиллик учун зарядлаш жойлари.

Рағбатлантиришни таклиф қилиш ва ДХШ ёки тендерлар (энергия етказиб берувчилар, чакана савдо компаниялари, реклама агентликлари, транспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари) орқали молиялаштиришни жалб қилиш.

Кўшимча материаллар: [Кам углеродли ёқилғи инфратузилмасини қўллаб - қувватлаш -TCAD](#) (ХТФ)



## ХУЛОСА

АСОСИЙ СИЁСАТ ЧОРАЛАРИ  
ВА ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ УЧУН ТАВСИЯ  
ЭТИЛГАН МУДДАТЛАР



# Асосий сиёсат чоралари

---

1. Пойтахт миңтақаси транспорт бошқармасини (ТШХТБ) ташкил этиш
2. Барқарор шаҳар мобиллиги режаси (БШМ режаси)**ни** қабул қилиш
3. Ердан фойдаланиш ва транспортни ривожлантиришни ўзаро боғлаш (интеграциялаш)
4. Сифатни рағбатлантирадиган харид шартномаларини жорий этиш
5. Молиялаштириш оқимлари кўламини диверсификация қилиш
6. Ягона чипта билан янги тариф тизимини жорий этиш
7. Иерархик ва аралаш тармоқни яратиш
8. Такси бозорини расмийлаштириш ва унинг рақобатбардошлигини чеклаш
9. Ёрдамчи транспортнинг яхлит ва қулай тармоғини ишлаб чиқиш
10. Маълумотлар асосида транспорт сиёсатининг шаклланишини таъминлаш

# Чора-тадбирларни амалга ошириш учун тавсия этилган муддатлар

Сиёсат йўналиши	Қисқа муддатли чора-тадбирлар	Ўрта муддатли чора-тадбирлар	Узоқ муддатли чора-тадбирлар
Бошқарув ва ёрдан фойдаланиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тегишли манфаатдор томонлар учун компетенцияни ривожлантиришни ташкил этиш</li> <li>Аниқ институционал тузилмани яратиш, маъмурӣ жараёнларни оптималлаштириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тегишли манфаатдор томонлар учун компетенцияни ривожлантиришни давом эттириш</li> <li>Пойтахт минтақаси транспорт бошқармасини (ТШХТБ) ташкил этиш</li> <li>Тошкент учун Барқарор шаҳар мобиллиги режаси (БШМ режаси) лойиҳасини яратиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тошкентда Барқарор шаҳар мобиллиги режасини (БШМ режасини) қабул қилиш ва амалга оширишини бошлаш</li> <li>Транзитта йўналтирилган ривожланиш (ТИР) амалиётини жорий этиш</li> </ul>
Харидларни амалга ошириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Самарали ва ҳар томонлама мониторинг қилиш учун АСК тўпламини ишлаб чиқиш</li> <li>Фойдаланиш ва фойда келтиримайдиган маршрутлар тўплами билан шартнома пакетларини ишга тушириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тендердан олдинги текшириш тартиботини жорий этиш</li> <li>Операторлар сони ва йўналиш пакетларини қайта кўриб чиқиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Сифатни рағбатлантирадиган шартномаларни жорий этиш</li> <li>Шаҳар ядроси ва пойтахт минтақаси учун кўшма харидларни амалга ошириш</li> </ul>
Молиялаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Рооl тизимини жорий қилишини давом этиш</li> <li>Соя иқтисодиётини назорат қилиш учун қонун ижроси тизимини такомиллаштириш</li> <li>Жорий тариф даражасини қайта кўриб чиқиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Молиялаштириш оқимлари кўламини диверсификация қилиш</li> <li>Даромадларни тақсимлаш Рооl тизимининг тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш</li> <li>Ягона чипта, зона тарифлари ва биргаликдаги имтиёзлар билан янги тариф тузилмасини жорий этиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>ТШХТБга тариф сиёсати ва молиялаштиришни тақсимлаш устидан тўлиқ назоратни тақдим этиш</li> <li>Молиялаштиришга ер қийматини ошириш (LVC) орқали даромад олиш тизимини киритиш</li> <li>Мураккаброқ (вакт бўйича фарқланган, интермодал варианtlар) тарифларни жорий этиш</li> </ul>
Жамоат транспорти инфраструктури мусобиқаси ва хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кейинчалик тармоқни оптималлаштириш билан транспорт мавжудлиги таҳлилини бошлаш</li> <li>Ишлатилган транспорт воситаларини янгилаш орқали автобус паркини кенгайтириш</li> <li>Мослашувчан қатнок частотаси, экспресс ва бекатларни ўтказиб юбориш билан хизматларни жорий этиш</li> <li>Транспорт маълумотларини тақдим этишини такомиллаштириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Иерархик автобус тармогини яратиш</li> <li>Метрони ривожлантиришни давом эттириш</li> <li>Тезюор автобус транспорти (ТАТ) тизимининг биринчи босқичини ишга тушириш</li> <li>Самарали транспортдан транспортра ўтиш жойларини ишлаб чиқиш</li> <li>Автобус ва метро паркини янгилаш</li> <li>Магистрал йўнайлишларда автобуслар учун уступор йўл қаторлари (полосалар)ни яратиш</li> <li>Ичизл ва тушунарли жадвални жорий этиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Метрони ривожлантиришни давом эттириш</li> <li>Енгил темир йўл транспортига (ЙРТ) айланishi мумкин бўлган тезюорар автобус транспорти (ТАТ)ни ривожлантиришни давом эттириш</li> <li>Йирик мутлимодал транспорт марказларининг ривожланишини таъминлаш</li> <li>Автобус ва метро паркини янгилаш</li> <li>Умумshaҳар уступор ЖТ тизимини ишлаб чиқиш</li> </ul>
Ёрдамчи транспорт	<ul style="list-style-type: none"> <li>Такси ислоҳотининг синов муддатини якунлаш ва ислоҳот натижаларини баҳолаш</li> <li>Ноқонуний такси хизматларига қарши фаол чораларни кўриш</li> <li>Мустақил бюджетига эта кенг қамровли микромобиллик режасини ишлаб чиқиш</li> <li>Шеринг учун меъёрий-хуқуқий базани шакллантириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Такси бозорини янада расмийлаштиришини амалга ошириш</li> <li>Хизмат кўрсатиш даражаси паст бўлган худудлар/вакт даврлари учун динамик такси тарифларини жорий этиш</li> <li>Чекка ва ахоли зинчиги паст бўлган худудларда бир неча талаб бўйича хизматлар учун таъкиба лойӣхаларини амалга ошириш</li> <li>Микромобиллик учун йўл маконини вақтингча қайта тақсимлаш</li> <li>Шеринг бозорига йўл очиш ва унинг ривожланишини йўналтириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Талаб бўйича хизматларни кенгайтириш ва уларни жамоат транспорти тизимига киритиш</li> <li>Бирлаштирилган қулаги микромобиллик тармогини яратиш</li> </ul>
Рақамлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тошкент транспорт иловаси асосида қатнов режалаштирувчисини яратиш</li> <li>Барча транспорт воситаларини автоматик жойлашувни аниқлаш тизими (AVL) билан жиҳозлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Интеграциялашган чипталарни сотиш тизимини амалга оширишни якунлаш</li> <li>Кенгрок мәълумотлар тўллашни тартиби солиш</li> <li>ASDUM ва Smart- карталарнинг мәълумотлари иш фаолиятини баҳолаш ва талабга асосланган режалаштириш учун бирлашишини таъминлаш</li> <li>транспорт оқимини бошқариш учун ИТТ-ни жорий этиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мобиллик билан боғлиқ бошқа хизматларни чипталарни сотиш тизимига улаш</li> <li>Маълумотларга асосланган сиёсатни шакллантиришини амалга ошириш</li> <li>Тошкент пойтахт минтақаси учун стратегик шаҳар транспорти моделини ишлаб чиқиш</li> </ul>
Ёрдамчи сиёсат	<ul style="list-style-type: none"> <li>Автотураргоҳлар билан боғлиқ ҳозирги ҳолатини батафсил ўрганиш</li> <li>Йирик ҳаракати хавфсизлиги бўйича кенг қамровли аудитин ўтказиш</li> <li>Кенг жамоатчилик иштирокида транспортни биргаликда ривожлантириш жараёнини йўлга кўйиш</li> <li>Янги мобиллик маданиятини тарғиб қилишини таъминлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>"Юмшоқ" чоралар ёрдамида шаҳар маконини ва транспортни бошқаришни қайта режалаштириш</li> <li>Таклиф ва нархларни тартиби солиш, шунингдек самарали қонун ижрочилиги билан умумshaҳар автотураргоҳлар ислоҳотини жорий этиш</li> <li>Хусусий автомобилларга қаратилган биринчи солик чора-тадбирлар тўпламини амалга ошириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Транспортга йўналтирилган ва халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим дастурларини тадбик этиш</li> <li>Тўхтаб туриш жойларини ислоҳ қилишини шаҳарсозлик тизимига кенгайтириш</li> <li>Солиқ чоралари тўпламини кенгайтириш</li> </ul>
Углерод чиқиндилигин камайтириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Транспорт чораларини Миллӣ даражада аниқланадиган ҳиссалар (NDC) га киритиш</li> <li>Йирик транспорт лойӣхалари учун стратегик экологик баҳолашни (CEO) жорий этиш</li> <li>Атроф-муҳитни таҳлил қилишда ёқлиги ишлаб чиқаришнинг түлиқ циклини ҳисобга олиш</li> <li>Кўрсаткичлар ва мониторинг билан углерод чиқиндилигин камайтириш бўйича аниқ мақсадларни белгилаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>"Иклимни молиялаштириш" орқали кўшимча ресурсларни жалб қилиш</li> <li>Миллӣ экологик хайдаш дастурини амалга ошириш ва кўллаб-куватлаш</li> <li>Яшил харидлар, сотиб олиши рағбатлантириш орқали ЖТни жорий этишга кўмаклашиш</li> <li>Автобуслар ва шаҳар парклари учун зарядловчи инфратузилмасини ривожлантириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ёқлиги ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклидаги углерод изини камайтиришга эътибор қартиш</li> <li>Шаҳар бўйлаб зарядлаш инфратузилмасини яратиш</li> </ul>

## ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ФОРУМИ (ХТФ)

2 RUE ANDRÉ PASCAL  
F-75775 PARIS CEDEX 16



## АЛОҚАЛАР

**Ярослав ХОЛОДОВ**

Лойиҳа раҳбари

Email: [Yaroslav.KHOLODOV@itf-oecd.org](mailto:Yaroslav.KHOLODOV@itf-oecd.org)

**Гүненг ЧЕН**

Транспорт дастури раҳбари

Email: [Guineng.CHEN@itf-oecd.org](mailto:Guineng.CHEN@itf-oecd.org)

**Маллори ТРУВЕ**

Шаҳар мобиллиги бўйича маслаҳатчи

Email: [Mallory.TROUVE@itf-oecd.org](mailto:Mallory.TROUVE@itf-oecd.org)